

Маматов Ахметжан Атажанович,
и.ф.д., профессор, Тошкент молия институти

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

УДК: 33:005.591.6(575.1)

DOI: 10.34920/EIF/VOL_2023_ISSUE_2_1

МАМАТОВ А.А. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада миллий иқтисодиётнинг институционал тузилмасининг моҳияти, унинг трансформациясига таъсир этувчи экзоген ва эндоген омиллар тадқиқ этилди. Мақолада илм-фан, бизнес ва давлатнинг муваффақиятли ҳамкорлиги шаклларида бири бўлган инновацион кластерлар ҳамда давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) иқтисодиётнинг институционал тузилмасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида илмий асосланган.

Калит сўзлар: институционал тузилма, трансформация, экзоген ва эндоген омиллар, инновацион кластерлар, технологик ривожланиш, рақамли иқтисодиёт, инновацион тизим, модернизация, рейтинг, индекс, синергетик таъсир, давлат-хусусий шериклиги.

МАМАТОВ А.А. ИНСТИТУЦИОНАЛЬНАЯ СТРУКТУРА НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ И НАПРАВЛЕНИЯ ЕЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

В статье исследуется сущность институциональной структуры национальной экономики, экзогенные и эндогенные факторы, влияющие на ее трансформацию. В статье научно обоснована одна из форм успешного сотрудничества науки, бизнеса и государства - инновационные кластеры и государственно-частного партнерства (ГЧП) в качестве приоритетов совершенствования институциональной структуры экономики.

Ключевые слова: институциональная структура, трансформация, экзогенные и эндогенные факторы, инновационные кластеры, технологическое развитие, цифровая экономика, инновационная система, модернизация, рейтинг, индекс, синергетическое воздействие, государственно-частное партнерство.

МАМАТОВ А.А. INSTITUTIONAL STRUCTURE OF THE NATIONAL ECONOMY AND DIRECTIONS OF ITS IMPROVEMENT

In the article is discussed the essence of the institutional structure of the national economy, exogenous and endogenous factors affecting its transformation. There is substantiated one of the forms of successful cooperation between science, business and the state - innovation clusters and public-private partnership (PPP) as priorities for perfection the institutional structure of the economy.

Key words: institutional structure, transformation, exogenous and endogenous factors, innovation clusters, technological development, digital economy, innovation system, modernization, rating, index, synergetic impact, public-private partnership.

Кириш.

Мамлакатимизда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта таъсир кўрсатадиган янги технологик уклад талабларига мос келувчи иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмасини трансформациялаш, сунъий интеллект ёрдамида ресурсларни оқилона тақсимлаш ва трансакцион харажатларни пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Маъмурий ислохотларнинг иккинчи босқичи сифатида келгуси йилда ҳудудлардаги бошқарув тизими ҳам ислоҳ қилинади. Барча маъмурий ислохотлар доирасидаги янги ташаббуслар Конституция-мизда албатта белгилаб қўйилиши лозим [1]. Миллий иқтисодиётда янги технологик укладнинг такрор ишлаб чиқаришни институционал таркибий тузилмасини шакллантириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, билимларнинг жадал равишда инновацион маҳсулотга айланишини рағбатлантириш, мавжуд ресурсларни қайта тақсимлашга имкон берувчи ваколатли молиялаштириш механизмини яратиш зарурати вужудга келмоқда. Бунинг учун рақамли иқтисодиёт инфратузилмаси бўлган технопарк, тадқиқот ва муҳандислик марказлари асосида инновацион кластерларини ривожлантириш бўйича илмий изланишларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу эса миллий иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмасини такомиллаштиришга бағишланган мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ва уни трансформация қилиш механизмлари таъсирини тадқиқ этган хорижлик олимлар қаторида Т.Кун, К.Перес, М.С.Роко, В.С.Бейнбридж, Т.Жотсана, Э.Себастиан, Д.Белл, Й.Шумпетер, С.Кларк, П.Арнолд, Г.Доси кабиларни келтириш мумкин.

Россиялик олимлардан Василевский Э., Иноземцев В.Л., Климович М.А., Красильников О.Ю., Кондратьев Н.Д., Буторина О.В., Кравец А.В., Коцюбинский В.А., Татаркин А.И., Романова О.А., Сухарев О.С. ва бошқалар ушбу мавзуга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини олиб борган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан С.С.Гулямов, А.В.Вахабов, А.В.Вахабов, А.Ўлмасов, С.В.Чепель, Х.П.Абулқосимов, Т.С.Расулов, Т.Т.Жўраев, А.А.Маматов, Д.Х.Хасанова, Н.Г.Муминов ва бошқаларнинг илмий изланишларида иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатлари, саноат инқилоби натижасида шаклланаётган янги технологик укладнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини шакллантириш масалалари бўйича атрофлича тадқиқотлар олиб борилган.

Д.Норт ва Л.Девисларнинг фикрига кўра, институционал муҳит – бу асосий сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий қоидалар мажмуи бўлиб улар ишлаб чиқариш, айрбошлаш ва тақсимот учун базис яратади [2]. Дж.Р. Коммонс институтларни тарихий ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қўллаб-қувватлаб унга кўра «эволюцион» тушунчаси «институционал» тушунчаси билан мазмун ва маъноси бир хил бўлади деб таъкидлайди [3].

Рус олими О.С.Сухаревнинг фикрига кўра, «мавжуд технологик асос, минтақавий эҳтиёжлар, мавжуд ресурслар ва эришилган меҳнат унумдорлиги даражасига мувофиқ такрор ишлаб чиқариш, тарқатиш ва алмашиш механизмлари таъсири остида юзага келадиган ўзаро боғлиқ нисбатлардаги ўзгаришларнинг мураккаб тизими» [4]. О.Ю.Красильников нуқтаи назаридан, «таркибий ўзгариш-макроиқтисодий тизимнинг таққосланадиган элементлари ўртасидаги муносабатларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши, уларнинг миқдорий хусусиятларининг нисбати нотекис динамикаси» [5] деб баҳо беради.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан профессор Маматов А.А., Жўраев Т.Т. “Индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтиш, жамият ҳаётида туб ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, унда инновацияларни кенг яратиш ва жорий этишга асосланган янги иқтисодий тизим моделига ўтиш билан амалга ошмоқда. Табиийки, ушбу даврда кластер моделида чуқур ўзгаришлар юз беради” [6]. Б.Маъмуровнинг фикрича, “Рақамли иқтисодиёт – иқтисодиётнинг таркибий қисмлари сифатида сунъий ақл(онг)дан фойдаланиш, иш жараёнларини роботлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнида турмуш меҳнат харажатларини камайтириш, махсус компьютер дастурлари ёрдамида иқтисодий тизимларни моделлаштириш

ва дастурий қобилиятини оширишдир” [7] деб хулоса қиладилар.

Бироқ янги саноат инқилобини шаклланиши шароитида юқори фан сиғимли рақамли иқтисодиёт технологияларни миллий иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмасига таъсирини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишларни олиб боришни тақозо этилмоқда. Ушбу жиҳатлар илмий мақола мавзусининг долзарблиги ва муҳимлигини белгилаб беради ҳамда тадқиқот мавзусини танлаш учун асос бўлди.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада диалектик, тизимли, интеграл ва синергетик ёндашувлар, иқтисодий, мантиқий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гуруҳлаш ва жадвал усулларидан фойдаланилади

Асосий таҳлил ва натижалар.

Жаҳон саноатида технологияларнинг ҳаётий циклини қисқаришида намоён бўладиган илмий ва технологик ривожланишнинг глобал тенденциялари, илмий билимларни жамғариш суръати, юқори фан сиғимли технологияларнинг тарқалиш тамойиллари ҳамда институционал муҳитдаги ўзгаришлар хом-ашё экспорт моделига асосланган иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмасини такомиллаштиришни долзарб қилиб кун тартибига қўймоқда.

Иқтисодий адабиётларда институционал муҳит ва институционал тузилма тушунчалари кўпинча бир хил деб қаралади. Ушбу категориялар ўртасидаги муносабатлар О.Уильямсон томонидан уч даражали схема доирасида аниқланди, унга кўра институционал тузилма шахслар (биринчи даража), институционал битимлар (иккинчи даража) ва институционал муҳит (учинчи даража) ўртасидаги муносабатлардир [8] деб баҳолади.

Рус олимларининг фикрича, институционал муҳитни фақат мулкӣ ҳуқуқлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш методологик жиҳатдан нотўғри бўлиб, у иқтисодий фаолият шарт-шароитларини белгиловчи расмий ва норасмий институтлар мажмуасидир. В.Вольчик институционал тузилмани иқтисодий хулқ-атвор матрицаларини яратадиган, хўжалик фаолиятини мувофиқлаштиришнинг муайян тизими доирасида шаклландиган хўжалик юритувчи субъектлар учун чеклашларни белгиладиган муайян

буюртма қилинган институтлар мажмуи [9] деб белгилайди.

Технологик ривожланиш жараёнлари ва институционал муҳитни трансформацияси ўзаро боғлиқ бўлиб: илмий ва технологик ривожланишнинг юқори суръатлари, тегишли институционал шарт-шароитларни талаб қилади. Шу билан бирга, янги технологик укладни шакллантириш воситаси вазифасини бажарувчи институционал тузилма айна пайтда унинг элементи хамдир. Е.Ясин томонидан таъкидланганидек «агар институционал тизим яхши йўлга қўйилган ва бозор муносабатларини (мулк ҳуқуқи, рақобат, контрактни ҳимоя қилиш) муваффақиятли қўллаб-қувватласа, технологик модернизация ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга ошади, интенсиф иновациялар оқими шаклланади, иқтисодиёт жонланади [10].

Янги иқтисодий муносабатлар тизимида институционал тузилманинг трансформация жараёнини Ўзбекистонлик олимлар томонидан ҳам кенг тадқиқ этилган. Жумладан, Д.Тожибоеванинг фикрича, “Рақамли иқтисодиёт фақатгина инсоннинг интеллектуал салоҳияти туфайлигина эмас, балки институционал муҳит яратилиши, бу муҳитнинг бизнес ва истеъмолчилар амалиёти, иқтисодий агентларнинг ахборот ва коммуникацион компонентлар билан таъминланишининг шакли, усулларини ўзгартиришига таъсир кўрсатиши ҳам муҳим ўрин тутди [11]. Бу жиҳатдан рақамли иқтисодиётга ёндашиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унга берилган таърифларда акс этади. Муҳими рақамли иқтисодиёт янги институционал муҳит яратилишига олиб келади. У рақобатбардошликни таъминлаш учун маҳсулот ишлаб чиқариш сифатининг яхшиланиши ва нархининг оммабоп бўлиши, мувофиқ равишда инфратузилмани барпо этишга олиб келади.

Институционал тузилмани трансформацияси экзоген, эндоген омиллар ва комбинацион омиллари таъсирида содир бўлиши мумкин. Экзоген омиллар деганда ташқи шароитдан келиб чиқадиган омиллар: инқирозлар ва бошқа иқтисодий ҳодисалар, табиий ва иқлимий ҳодисалар тушунилади. Эндоген омиллар институционал ўзгаришларнинг ички сабаблари: иқтисодиётнинг циклик табиати, янги кашфиётлар, технологияларнинг пайдо бўлиши. Комбинацион тавсифдаги омиллар синергетик таъсир орқали

институционал тузилмаларга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар мажмуасидир.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида реал институтларнинг виртуал шаклга эга бўлиш тенденциясини қайд этиш мумкин. Институтларни амалга оширишнинг янги шаклининг кутилаётган ижобий самарасини бюрократик тартибларни соддалаштириш, вақт ва моддий харажатларни камайтиришда ифодалаш мумкин. Институционал иқтисодиёт назарияси доирасида ахборот технологияларининг кенг тарқалиши туфайли электрон институционализм йўналиши шаклланоқда. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг халқаро тенденцияси таҳлили бугунги кунда ишлаб чиқаришни бошқариш, ресурсларни иқтисод қилиш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифат параметрларини қатъий назорат қилишга қаратилган интеграциялашган аппарат-дастурий комплексларини жорий этиш истиқболли йўналишлардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарорига кўра, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳаларида ягона ваколатли орган этиб белгиланиб, Вазирлик қошида “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ҳамда “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” ташкил қилинди. 2020–2022 йилларда жами 268 та лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган [12].

Институционал муҳитни трансформациялашнинг муҳим элементи бу унинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш бўлиб, унинг асосий вазифаси илмий билимларни бозорда аниқ маҳсулотга жадал узатиш механизми бўлиб, бу инновацион фаолият иштирокчилари ўртасидаги боғлиқликни оширади. Юқори технологияли маҳсулотлар учун бозорларни жадал ривожлантириш имконини берадиган илмий ва технологик қўллаб-қувватлашнинг ривожланган инфратузилмасини ва мавжуд ресурсларни қайта тақсимлашга имкон берувчи ваколатли молиялаштириш механизминини яратиш керак. Бундан ташқари, расмий ва норасмий институтларни ривожлантириш интеллектуал мулк, солиқ ва божхона ҳуқуқи, мулкый ҳуқуқлар,

коррупция ва маъмурий тўсиқларга қарши кураш масалаларини аниқ тартибга солувчи қонунчилик тизими доирасида амалга оширилиши мумкин.

Институционал тузилмани унинг даражалари, яъни расмий ва норасмий институтларни, шунингдек, институтлар эмас, балки уларнинг фаолиятини таъминлайдиган нормалар ва кўрсаткичларни батафсил кўриб чиқиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ҳам ўринлидир. Юқорида таъкидланганидек, расмий институтларга мулкый ҳуқуқ, шартнома ижроси, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, тармоқга киришдаги тўсиқлар, сиёсий институтлар, шунингдек, Қонунчилик ҳужжатлари, уларда мустаҳкамланган коррупцияга қарши ҳаракатлар – нормалар ва қоидалар, норасмий институтлар – ишонч, анъана ва урф-одатлар институтлари киради.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг институционал таркибий тузилмасини такомиллаштириш векторларини аниқлаш учун трансформацияга таъсир этувчи шарт-шароит ва омилларнинг ҳозирги даражасини баҳолаш зарур. Расмий институтларнинг ривожланиш даражасини акс эттирувчи кўпгина индексларда Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари анча пастлиги амалга оширилаётган ислохотларнинг қонунчилик базасини шаклланмаганлигига боғлиқ. Қонунчилик доирасидаги бўшлиқлар, бюрократия, мулкый ҳуқуқларни заиф ҳимоя қилиш, суд тизимининг номукамаллиги, жиддий коррупция компонентлари Ўзбекистон Республикасининг институционал муҳитига хос бўлган трансформацион ўзгаришлар жараёнини мураккаблаштиради.

Жаҳон банки ва S&P Global Ratings агентлиги рейтингда Ўзбекистон Республикаси 2022 йилда Умумжаҳон инновация индекси бўйича 82-ўринни, БМТнинг Инсон тараққиёти индекси бўйича 101-ўринни, Коррупцияни идрок этиш индекси бўйича 126-ўринни, Иқтисодий эркинлик индекси бўйича 117-ўринни, Фаровонлик индекси индекси бўйича 100-ўринни ва Глобаллашув индекси бўйича 141-ўринни эгалламоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги таркибий тузилиши икки омилни натижасида зарурий ўзгаришларнинг моҳиятини белгилайди: янги юқори технологияли тармоқларни яратиш ва янги технологиялар асосида анъанавий тармоқларни модернизация қилиш, сифат ўзгаришлари билан

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилги халқаро рейтингларда тутган ўрни [13]

№	Кўрсаткичлар	Ўзбекистон жаҳон рейтингларида
1.	Жаҳон хайрия индекси	70
2.	Глобаллашув индекси	141
3.	БМТнинг Инсон тараққиёти индекси	101
4.	Иқтисодий эркинлик индекси	117
5.	Демократия индекси	149
6.	Коррупцияни идрок этиш индекси	126
7.	Барқарор ривожланиш мақсадлари	77
8.	Умумжаҳон инновация индекси	82
9.	Фаровонлик индекси	100
10.	Иқтисодий эркинлик индекси	117

бирга илмий, технологик, иқтисодий, ижтимоий ва институционал соҳаларда ислохотларни амалга ошириш. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлат саноат сиёсатининг асосий вазифаси сифатида самарали институционал тузилмани шакллантиришдир.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида бозор иқтисодиёти қоидаларида, бизнес юритиш қоидаларида, анъанавий иқтисодий қоидалар ва қонуниятларнинг намоён бўлишида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Инновация тизими фан, техника, иқтисодиёт, тадбиркорлик ва менежмент тамойилларини маълум бир нуқтада бирлаштирувчи тизим бўлиб, бунинг натижасида илмий ғоялар ҳамда лойиҳаларнинг инновацион маҳсулотга айланиш даври тезлашади.

Инновацион тизим, тизимнинг марказий элементи сифатида инновацион корхоналарни, ҳамда инновацион корхона фаолият кўрсатишининг асосий босқичларини акс эттирувчи ва инфратузилмага мансуб бўлган элементлар гуруҳини, шу билан бир қаторда яна фаолият юритишнинг у ёки бу босқичларини маълум даражада енгиллаштирувчи ва давлат, илм-фан ва бизнеснинг кооперациясига имкон берувчи ташкилотларни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни институтционал такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бу илм-фан, бизнес ва давлатнинг муваффақиятли ҳамкорлиги шаклларида бири бўлган инновацион кластерларни

яратишдир. Бундай восита турли соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун илм-фан, давлат ва бизнеснинг ташкилий уюшмасини тузишни ўз ичига олади. Инновацион кластерларнинг муваффақиятли ривожланиши учун тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва умуман инновацион фаолиятни, шунингдек тўғридан-тўғри давлат-хусусий шериклик билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қонунчиликнинг тўлиқ тизимини шакллантириш зарур.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, инновацион соҳада давлат, бизнес ва илм-фан ўртасидаги муносабатлар шериклик, тенг ҳуқуқли бўлиши, умумий мақсадларга эга бўлиши, уч томоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан молиялаштирилиши керак ҳамда, олинган хавф ва натижалар тенг тақсимланиши керак. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш ўринлики, инновацион кластерлар Ўзбекистоннинг кейинги ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Чунки бу услуб тадқиқотни молиялаштириш ҳисобига катта даромад олинишини таъминлайди ва натижаларни тижоратлаштириш масалаларини муваффақиятли ҳал қилишга катта имконият яратади.

Инновацион кластер модели иқтисодиётни институтционал такомиллаштиришда маълум сифат кўрсаткичлари билан ҳам ажралиб туради. Буларга, биринчидан, кластер аъзоларининг

ўзаро таъсири даражаси билан тавсифланган кластер боғланиши, шунингдек уларнинг зарур ресурслардан фойдаланиш имкониятлари киради. Иккинчидан, инновацион кластер моделининг ўзига хос хусусияти бу синергетик самарадир. Бу элементларнинг инновацион имкониятлар йиғиндиси билан аниқланадиган ва кластер элементларининг ўзаро синергетик таъсирига миқдорий баҳо берадиган ажралмас хусусиятдир. Шунингдек, инновацион кластер моделининг асосини унинг ядроси ҳисобланмиш уюшмалар (корхоналар) ва ўсиш захиралари ташкил этади. Мазкур корхоналар кластер фаолияти натижаларига асосий ҳисса қўшади. Ўсиш захиралари эса зарурат туғилганда кластернинг инновацион жараёнларини ташкил этишдаги камчиликларни бартараф эта олади ва бутун инновацион тизимнинг такомиллашуви ва стратегик ривожланиши бўйича чораларни белгилайди.

Инновацион кластерлар фаолиятининг якуний натижаси бутунлай янги технологияли тармоқлар ва маҳсулотлардир. Инновацион кластернинг ядроси ҳисобланадиган йирик илмий-тадқиқот бирлашмалари атрофида кластер ядроси томонидан яратилган янги технологиялардан фойдаланган ҳолда, ускуналар ва материалларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар жойлаштирилади. Шундай қилиб, бутун жараён – инновацион ғоялар яратиш, уларни sanoatга татбиқ этиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчига етказиб бериш кластерда амалга оширилади.

Ўзбекистонда миллий иқтисодий институтчи такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бу давлат сектори томонидан ишлаб чиқариладиган ва тақдим қилинадиган хизматларни хусусий секторга тақдим қилиниши муддатини қисқартириш (баъзан 30 йилгача), тавакалчиликларни хусусий инвесторга ўтказишни чеклаш, давлат ва маҳаллий тузилмалар билан ҳуқуқий шахсларнинг кўп қиррали узоқ муддатли шартнома шакллари амалга ошириш шакли бўлган давлат-хусусий шериклигини тараққий этиш (ДХШ) бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ДХШ нисбатан янги соҳа бўлишига қарамасдан, қисқа муддатларда ўзига хос миллий тизим ва ягона сиёсат йўлга қўйилишига эришилди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик

тўғрисида”ги Қонуни [14]. қабул қилиниши ва Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш Агентлигининг ташкил этилиши бунинг ёрқин ифодасидир. Янги Ўзбекистон стратегиясига кўра иқтисодий тараққиётда узоқ муддатли стратегик режалаштириш ва давлат бюджети харажатларини прогнозлаштириш ДХШ иштирокчилари учун лойиҳа харажатларини тўғри режалаштиришга имкон яратмоқда. Бу омил бошқа инвестициявий фаолият турларининг муҳим омили бўлгани каби ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи ўринда туради. Чунки, инвесторлар учун маълумотлар тўлиқлиги, ошкоралиги ва ҳаққонийлиги бозорни чуқур ўрганишга ва турли йўқотишларнинг олдини олишга хизмат қилади.


ДХШ механизмлари такомиллашиб бориши соҳада ижтимоий ёки инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ анъанавий йўналишлар билан инновацион лойиҳалар ҳам фаоллашиб боради. Хусусан, ДХШ тизими орқали инновацион инфратузилмани ривожлантириш, бизнес-инкубаторлари, технопарклар ва технополислар барпо этиш янги йўналиш сифатида қўлланилмоқда.

Расмдан кўринадики ДХШ ўзининг бир қатор афзалликлари билан ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янада рағбатлантирган ҳолда, иқтисодий инвестициялар оқимини кенгайтиради, бўш турган ресурсларни фаоллаштиради, давлат ва хусусий секторлар ўртасида ўзаро мувозанатлашган манфаатдорликни таъминлайди, ва энг асосийси, жамиятдаги қатор ижтимоий ва инфратузилмавий муаммоларни бартараф этишга туртки бўлади. ДХШ тизими самараси ўлароқ, ҳам давлат, ҳам бизнес, жамият ҳам бундан наф кўради. Шу билан бирга, ушбу тизим бошқа иқтисодий жараёнлар сингари ўзига хос хусусиятлар, қонуниятлар ва тавакалчиликларга эга бўлиб, унинг муваффақиятли амалга оширилиши чуқур малака, профессионал тажриба, барқарор иқтисодий салоҳият сингари бир нечта омиллардан самарали фойдаланишни талаб этади.

Хулоса ва таклифлар.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодийнинг институционал тузилмасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бу - давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантиришдир. Бунинг

1-расм. Давлат-хусусий шерикликнинг афзалликлари [15].



учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- илмий тадқиқотларни кенгайтириш ва амалиётда ДХШни ривожлантириш борасида алоҳида лойиҳа устида тадқиқотларни олиб бориш;
- ДХШдаги илғор хорижий тажрибаларини чуқур ўрганиш ва халқаро амалиётда йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик чораларини кўриш;
- миллий иқтисодиётда ДХШ инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини баҳолаш;
- давлат ва хусусий бизнес ўртасида ахборотлар алмашинувини таъминлаш;
- соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш.

Бизнинг назаримизда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида институционал тузилмани такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни тақлиф этиш мумкин:

- янада мослашувчан, адаптив ва инновацияларни қабул қилувчи ташкилот шаклида;
- тузилма субъектлари ўртасида горизонтал боғланишларнинг устунлиги;
- янги институтларни мавжуд тузилмаларга жалб қилиш тезлигини ошириш;
- транзакцион харажатларини камайтириш (мисол сифатида, блокчейн технологияни

келтириш мумкин, кодлаш мумкин бўлган хар қандай битимни ҳар қандай турини тасдиқлаш имконини беради, бу ўз навбатида транзакцион битим харажатларини сезиларли камайишига олиб келади);

– виртуал институтционал тузилмалар таркибида реал институционал тузилмаларни модификациялаш ёки виртуал майдонда мавжуд анъанавий муассасалар қиёфасини шакллантириш.

Хулоса сифатида эътироф этиш мумкинки, институционал тузилмани трансформацияси экзоген, эндоген омиллар ва комбинацион омиллари таъсирида содир бўлади. Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида реал институтларнинг виртуал шаклда намоён бўлиш тенденциясини қайд этиш мумкин. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни институционал такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бу илм-фан, бизнес ва давлатнинг муваффақиятли ҳамкорлиги шаклларида бири бўлган инновацион кластерларни яратишдир. Бунда таваккалчиликларни хусусий инвесторга таъсирини камайтириш ва, давлат ва маҳаллий бошқарув тузилмалар билан хусусий шахсларнинг кўп қиррали узоқ муддатли шартнома шакллари амалга ошириш шакли бўлган, давлат-хусусий шериклигини (ДХШ) ривожлантириш – ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. - "Халқ сўзи" газетаси 2022 йил 21 декабрь.
2. Davis L., North D. Institutional Change and American Economic Growth. – Cambridge, 1971. – pp. 5-6.
3. Квашницкий, В. Истоки эволюционной экономики / В. Квашницкий // Истоки: из опыта изучения экономики как структуры и процесса / [редакционная коллегия: Я.И. Кузьминов и др.]. - 2-е изд. - Москва: Изд. дом ВШЭ, 2007. – С.95.
4. Сухарев О. С. Структурные проблемы экономики России: теоретическое обоснование и практические решения. –М.: Финансы и статистика, 2010. – С. 34.
5. Красильников О. Ю. Структурные сдвиги в экономике. –Саратов: Изд-во СГУ, 2001. – С. 24.
6. Маматов А.А., Жўраев Т.Т. Кластерларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйишнинг хориж тажрибаси. "XXI аср: фан ва таълим масалалари" электрон журнали. №1, 2020. – Б.12.
7. Маъмуров Б.Х. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва хориж тажрибаси. Иқтисодиёт ва таълим журнали. 2020 йил № 4. – Б.44.
8. Уильямсон О.И. Экономические институты капитализма. Фирмы, рынки, «отношенческая» контракция. – Спб.: Лениздат, CEVPress, 1996. – С. 688.
9. Вольчик В. В. Институциональная и эволюционная экономика. – Ростов н/Д: Изд-во ЮФУ, 2011. – С. 23.
10. Муминов А.Г. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси. Журнал: Значение цифровых технологий в изучении истории Узбекистана, 2022, №1, 290-295 бетлар
11. Ясин Е. Институциональные ограничения модернизации, или приживется ли демократия в России? // Вопросы экономики. –2011. – №11. – С. 5.
12. Тожибоева Д. Рақамли иқтисодиёт институционал назариянинг янги йўналиши сифатида. "Иқтисод ва молия" журнали 2021, №1. – Б. 95.
13. Муминов Н.Г., Хамраев О.Я. Концепция «нового государственного управления» и зарубежный опыт в сфере социального партнерства // Актуальные научные исследования в современном мире (Украина). №6 (38), часть 4. 2018. С. 119-123.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699-сон қарори.
15. <http://ratings.gov.uz/>.
16. "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. <https://lex.uz/docs/>.
17. Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.